

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

А.Абдуллаева

Фаргона давлат университети катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Миллий маънавиятимиз сарчаималарида никоҳнинг ва оиланинг муқаддаслиги тўғрисидаги ўғитлар жамиятнинг ҳар бир фуқаросини тарбияловчи шундай омилдирки, улар орқали ёшларда оила ва никоҳ тўғрисидаги монанд тушунча ва тасаввурларни шакллантириши мумкин бўлади. Бундаги етакчи ғоя никоҳдагилар ўртасида аҳиллик бўлсагина никоҳнинг мустаҳкам бўлиши ғоясидир. Зеро, бу ўз навбатида жамиятнинг ва унинг ҳар бир фуқаросининг ривожига фақат ижобий таъсир кўрсатиши ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** оила, омил, ижтимоий, ғоя, халқ, миллат, стереотип мотив, никоҳ, жамият.

**Аннотация:** В данной статье учение о святости брака и семьи в истоках нашей национальной духовности является фактором, воспитывающим каждого гражданина общества, посредством которого возможно сформировать у молодежи подобное понимание и восприятие семьи и брака. Основная идея заключается в том, что брак может быть крепким только при наличии гармонии между супругами. Ведь это, в свою очередь, оказывает только положительное влияние на развитие общества и каждого его гражданина.

**Ключивые слова:** семья, факт, социальность, идея, народ, национальность, стереотип, мотив, брак, общество.

**Annotation:** In this article, the doctrine of the sanctity of marriage and family in the origins of our national spirituality is a factor that educates every citizen of society, through which it is possible to form a similar understanding and perception of family and marriage among young people. The main idea is that a marriage can only be strong if there is harmony between the spouses. After all, this, in turn, has only a positive impact on the development of society and each of its citizens.

**Key words:** family, fact, socialist, idea, people, nationality, stereotype, motive, marriage, society.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий кадрятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир шунингдек, оила тарбиянинг бошланғич эмоционал, ижтимоий муносабатлар шахслараро ижтимоий алоқаларни шакллантирадиган макон. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Миллий кадриятларнинг дастлабки нав-ниҳоллари оилада юзага келади, ўсади ва келгусида ўз мевасини беради. Ўзбек оиласи азалдан соғлом турмуш тарзи, муомала маданиятини сақлаб келган. Бу ўз навбатида ота-она ва фарзандлар муносабатларида ҳамда уй-жойни, рўзғорни саранжом тутиш, озодалиқ тамойилларини авлодларга сингдириб боришда ўз аксини топган. Оиланинг фарзандга ўтказадиган таъсир кучи ниҳоятда улқандир. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаши бу ёшларни келгуси ҳаётга тайёрлашда муҳим омилдир.

Аввало оила қураётган ёшлар маънан, руҳан, жисмонан умуман ҳар тамонлама соғлом бўлишлари лозим, чунки соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Оилавий турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизлар англаган мотивлар асосида ўз никоҳларини қуришлари ва оилавий муносабатларни ижобий фонда ташкил этиш бўйича етарли билимларга эга бўлишлари, улар турмуш қуришларидан олдин оила қуриш сабабларини тўлиқ англаб етишлари, муқаддас никоҳни кадрият сифатида ардоқлашишига ёрдам беради.

Никоҳ олди омилларининг асоси ҳам – шу никоҳ қурилишига сабаб бўлган никоҳ мотивларидир. Улар турлича талқин қилинсада, асосан севги туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар. Шунингдек, иккинчи классификацияси моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётган эканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири – стереотип бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қураётган эканлар, стереотипларга қарайдилар. Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилиқ, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила иморатининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш эта олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади.

Ҳар қандай йигит ва қиз оила қураётган эканлар уларда оилавий ҳаёт ҳақида маълум тушунчалар, дунёқараш ўз ота-оналари оиласи, ўзи тиғилиб ўсган оила, у ерда шаклланган урф-одатлар, анъаналарга кўра шаклланган бўлади. Янги барпо этилган оилада эса мутлақо бошқача, яъни шу оилагагина хос бўлган дунёқараш шакллана бошлайди. Оила қурган ёшларнинг дунёқараши, тушунчалари қанчали юқори бўлса, уларнинг бир-бирига мослашиши ҳам осон бўлади

Оилавий муносабатларнинг мустаҳкамлигига ижтимоий-психологик, маданий, жинсий муносабатларнинг мутаносиблигига боғлиқ.

Оила қуришнинг асосий мотивларидан бири – бу оила инсоннинг янгича, ҳеч кимга ўхшамайдиган беназир хусусиятларини кўрсатиб берувчи, ривожлантирувчи омил ҳисобланади. Инсон маълум пайтда, маълум бир ёшга ҳамда имкониятга эга бўлгач, оила қуриши лозимлигини тушуниб етади, ҳис қилади. Буни ҳамма қилиши кераклиги ва қилаётгани учун эмас, балки ички бир хоҳиш туфайли, кераклиги учун тушунади. Тўғри, кўпчилик оила қураётган ёшлар буни ота-онасининг, дўстларининг таъйиқи остида, ота-онасидан ҳоли яшаш истаги асосида қиладилар.

Оила қуришнинг яна бир мотиви – олишдан кўра кўпроқ бериш, яъни тур муш ўртокқа меҳр-муҳаббат, оилавий тинчлик, бахт ато этиш. Қизлар турмушга чиқар экан, йигит кишидан ҳимояни, моддий таъминланишни, фарзанд кўришни истайди. Эркак киши ҳам ўз навбатида оилавий тинчлик-тотувлик, бахт ва ҳоказоларни хоҳлайди. Аслида турмуш қуришдан кўзланган мақсад, нимагадир эга бўлмоқ экан, демак буни тушуна оладиган ҳамда сенга шу нарсаларни бера оладиган инсонни учратиш ва у билан оила қуриш лозим бўлади.

Яна бир муҳим омил – бу оилавий муносабатларда тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик ҳисобланади. Оила қурган эр ва хотиннинг муносабатларидаги тўғрилиқ, ҳалоллик покликни кўрган, ҳис этган фарзандлар буни ўз ҳаётларида тадбиқ этадилар. Тўғрилиқни, ҳалолликни инсон аввало ўзидан бошлаши лозим, шундан кейин у донолик ва ақллиқка эришади. Кўпинча инсонларни ёлғончиликка, нотўғрилиқка йўл қўйишига маълум бир сирни очилиб қолишидан кўрқиш, ғурурини топталишидан кўрқиш туртки бўлади..

Оилавий мотивлардан яна бири – фарзанд кўриш, фарзандли бўла олиш омилидир. Лекин фарзанд кўришдан аввал эр ва хотин бунга тайёр эканлиги жуда муҳим. Яъни фарзанд оилада эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муҳаббати, бир-бирини тушуниши, ҳурмат қилиши асосида дунёга келиши лозим. Шундай экан, эркак ҳар куни, ҳар сонияда ўзида ижобий сифатларни шакллантириб бориши, фарзанд кўришга руҳан тайёргарлик кўриши, туғилажак фарзандига намуна бўла олишга ҳаракат қилиши зарур, аёли ҳам ўз навбатида худди шундай ахлоқий сифатларни ўзида мужассам эта олиши шарт, шундан кейингина бундай оилада дунёга келган фарзанд ҳақиқий бахтли, сеvimли фарзандга айланади.

Оиланинг асосий мотивларидан яна бири – жинсий ва эмоционал муносабатлик, яъни бир-бирига ушбу жиҳатга кўра мос келиш ёки келмаслик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

А.Б.Добрович турмуш қуриш англамаган мотивлар гуруҳини ишлаб чиқди. Унга кўра мотивлар қуйдагиларни ташкил этди:

- ўзаро келишилган актёрлик, романтик ролларни ўйнаш;
- умумий қизиқишлар, қизиқишларнинг мос тушишини қалбларнинг яқинлиги деб тушунилади;

- интим омад, жинсий муносабатдаги омадни яхши кафолатланган оила қуриш деб эътироф этиш;

- бир-бирига осон эришиш имконияти, турмуш қуриш олди муносабатларда жалб қилувчи мотив;

- раҳм-шавқат, айбдорлик, қарздорлик мотиви, турмуш қуришни ўзининг бурчи деб билиб, ҳаёт сахнасида олийжаноблик ролини бажариш деб талқин қилинади;

- тартиблилик, атрофдагиларнинг фикрига биноан турмуш қуришга интилиш, маъсулият хисси;

- фойда топиш, турмуш қуриш эвазига уй, маблағли бўлиш;

- қасд олиш, хафа қилган инсонга нисбатан қасдан турмуш қуриш;

- яқка қолишдан кўркиш, ўз муаммоларини ечиш, келажакдаги ҳаётдан кўркишдан холи бўлиш учун оила қурилади.

Никоҳга етуклик тушунчаси ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб боровчи, касб-хунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан янги чўққиларга еришиб боровчи мавжудотдир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак, бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортик ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу қабилар сифатидагина фойдаланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мусурмонова О. Оила маънавияти миллий ғурур. –Тошкент, "Ўқитувчи", 2001 й.-12 б.

2. Основные мотивы создания Семьи. Вookар bookap.info/okolopsy/nekrasov\_brak\_

3. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION*. Vol. 2 No. 13, 2023. 129-133. pages.

4. A.R.Abdullayeva //THE SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE FAMILY ON THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11. Issue3. 2023. 670-674 pages.

5. A.R.Abdullayeva //PSYCHOLOGICAL FACTORS OF FORMING A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY// ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. Volume 4, Issue 3. March, 2023. 43-50 pages.

6. А.Р.Абдуллаева, М.Р.Абдукаримова //ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОҲ МОТИВЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 14-SON. 20.12.2022. 1132-1138 betlar.

7. Рустамовна А.А., //ФАКТОРЫ С. П. ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференций. 2022. 43-45 стр.

8. Rustamovna, A.A. //BO‘LAJAK HARBIY KADRLARINI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA OILAVIY MUHIT TA‘SIRINI IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK OMILLARI// JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume-7 | Issue-2 | 2022. 35-43 pages.

9. Khalimakhon Ganieva Akhmadkhonovna, Abdullaeva Arofat Rustamovna, Zakirova Dilduzaxon Saydolimovna // [PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH](#)// International Journal of Early Childhood Special Education. 3(14) 2022.

10. Абдуллаева Арофат Рустамовна //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. Volume-06, July, 2022. 26-29 pages.

11. СОЛИЕВ ФАРХОДЖОН СОДИКОВИЧ, АБДУЛЛАЕВА АРОФАТХОН РУСТАМОВНА, ДЖУХОНОВА НОХИДА ХАЁТЖОНОВНА //ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И ЭТНОЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТАЦИЙ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ// Материалы Международной заочной научно-практической конференции: ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ БЛАГОПОЛУЧИЕ СОВРЕМЕННОГО ЧЕЛОВЕКА. Екатеринбург, 2019. 334-339 стр.

12. Рустамовна А.А. //СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференции. 2022.

13. Abdullaeva Arofat Rustamovna //SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS INFLUENCING THE FAMILY ENVIRONMENT IN THE PATRIOTIC UPBRINGING OF FUTURE MILITARY PERSONNEL// International Conference on Studies in Humanity, Education and Sciences Helsinki, Finland. January 10th 2022. 43-45 pages.

14. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 23 rd January, 2023. - Canada, Ottawa. 136-140 pages.

15. Toshboltayeva Nodira Ibrohimjonovna //The importance of thinking in the complex process of individual activity// International conference on Studies in Humanities, Education and Sciences, January 10 th, 2022. 69-70 pages.

16. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна //ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ// *Scientific Impulse*, 1(5), 2022. 1191-1195.

17. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна //БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ШАХСНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ// JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH VOLUME-2, ISSUE13 (26-December). 472-475.

18. Нодира Иброхимжоновна, Т. ., & Салохиддин Хамидуллаевич, Т. . (2023). МУСТАҚИЛ ТАФАККУР ЖАРАЁНИНИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ТАҲЛИЛИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 537-541.

19. А.Абдуллаева Н.Тошболтаева //ОНГ ВА ТАФАККУР БУЗИЛИШЛАРИ// FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International scientific conference. 13 April 2023. Part 18. 27-32 pages.

20. Toshboltaeva Nodira Ibrokhimjonovna //PERSONAL EDUCATION AS A MAIN BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT// *Academicia Globe: Inderscience Research*. Volume 2, Issue 3, March, 2021. 1-2

21. Тошболтаева, Нодира Иброхимжоновна. "Важные аспекты упражнений в умственной деятельности психологическая интерпретация." *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION* 1.5 (2020): 97-99 pages.

22. Abdukadirova Laura //THE MAIN APPROACHES TO THE STUDY OF THE DIFFICULT LIFE SITUATION IN SOCIO-PSYCHOLOGICAL RESEARCH// *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*ю Vol. 7 No. 12, 2019. 781-789 pages.

23. Abdukadirova Laura Yulbarsova, Mirzajonova Eleonora Topvoldievna //The importance of reading competencies in the context of the “industry 4.0” industrial revolution// *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*. Volume 11, Issue 1, 2021. 205-210 pages.

24. Абдукадилова Лаура Юльбарсовна //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕМЕЙНЫХ СТУДЕНТОК В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА// *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*. №6. 2021. 38-45 стр.

25. АБДУКАДИРОВА ЛАУРА ЮЛЬБАРСОВНА //ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА АУТОТРЕНИНГА В УКРЕПЛЕНИИ ФИЗИЧЕСКОГО И ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ В ТРУДНОЙ ЖИЗНЕННОЙ СИТУАЦИИ// Сборник материалов международной научно-практической конференции: [ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ КАК ФАКТОР СОЦИАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ](#). Екатеринбург, 16 декабря 2021 года.

26. Ahmadjonov Nurmuhhammad Nabijon o'g'li //PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FATHER'S RELATIONSHIP IN PERSONS WITHDIFFERENT DEGREE OF DEPENDENCE// “PEDAGOGS” international research journal. Volume-24, Issue-3, Decembe. 2022. 124-127 pages.

27. Topvoldievna Mirzajonova Eleonora, Abdukadirova, Yulbarsova Laura //Actuality of psychological support in work with children from the risk group// **ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal**, Volume 12. Issue 6. 2022. 51-56 pages.